

## ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2019 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 23,0 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизга кўпайди.

**Юк айланмаси.** Барча транспорт турлари томонидан 546,0 млн.тн-км.ни ташкил қилди ва 107,2 фоизга кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича

	2019 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	23,0	103,5
шу жумладан:		
автомобил транспортида	23,0	103,5
Юк айланмаси, млн. тн-км		
шу жумладан:	546,0	107,2
автомобил транспортида	546,0	107,2

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспорти юк айланмаси 2019 йил январь-июнга нисбатан 103,4 фоизга кўпайди ва 415,9 млн. тн-км.ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 96,2 фоизни ташкил қилди (2018 йил январь-июнда 96,6 %).

**Йўловчи ташиш.** 2019 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 233,7 млн. киши ташилди. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,0 фоизга кўпайиб, 7404,2 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси


	<i>2019 йил январь-июнь</i>	<i>2018 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, <i>млн. киши</i>	233,7	102,1
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	233,7	102,1
Йўловчи айланмаси, <i>млн. йўловчи-км</i>	7404,2	103,0
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	7404,2	103,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг йўловчи ташувчи автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-июнга нисбатан 102,1 фоизга кўпайди ва 6803,3 млн. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 97,6 фоизни (2018 йил январь-июнда 98,2 %) ташкил қилди.

### Юк ва йўловчи айланмасининг умумий ҳажмидаги улуши

*(2018-2019 йилнинг январь-июнида фоиз ҳисобида)*



**Юк айланмаси**

**Йўловчи айланмаси**